

кишининг эса ёнида бунга ундовчи ва ўртак бўлувчи тайинли бир шахс бўлмайди.

Имом Аъзам роҳматуллоҳ алайҳи айтади: “У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **“Қачон Имом “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар”**, деган сўзлари шерикликни нафий қиладиган тақсимдир. Имом **“Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”**ни айтмайди. Чунки буни айтса иккисини жамлаган бўлиб, унинг таҳмиди эса имомга эргашувчининг таҳмидидан кейинга тушиб қолади. Бу эса имомлик мақомига хилофдир. Ёлғиз ўқийдиган киши саҳиҳ қовлга кўра иккисини ҳам қўшиб айтади”.

→Аммо Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилиб келтирган ҳадисда айтилишича Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон: **“Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ”** десалар, **“Роббанаа ва лакал ҳамд”**ни ҳам айтардилар. 1/106.

Ушбу ҳадис таҳмид ва тасмиъни қўшиб айтишга далолат қилади. Имом Аъзам роҳматуллоҳ алайҳининг наздида бу ёлғиз ўқувчига хосдир. Кейин бу ҳадиснинг лафзи у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам имом бўлган ҳолларида тасмиъ ва таҳмидни қўшиб айтганларига очик далолат қилмайди, шундай экан тақсимлаш ҳадисига ҳам зид келмайди. Тақсимлаш ҳадисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Қачон Имом “Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ” деса, сизлар: “Аллооҳумма Роббанаа лакал ҳамд”, денглар”**.